"26" октябр 2022 й

**ШАРТНОМА № 2**

Наманган ш.

"Аброрбек Мебеллари" ХК (кейинги ўринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан А.Гайбуллаев биринчи томон ва иккинчи томон ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Самарканд Давлат тиббиёт университети ихтиссослашган болалар хирургик клиникаси бош врачи Ж.А.Шамсиев (келгусида "Ҳаридор" деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

**1. Шартнома предмети.**

1.1. «Сотувчи» «Ҳаридор»га қуйидаги маҳсулотларни етказиб беради:

1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати **131 775 000 (Бир юз уттиз бир миллион етти юз етмиш беш минг)** сўмни (ҚҚС билан) ташкил қилади.

1.3. Маҳсулотлар қуйидаги ассортиментда етказиб берилади:

| № | Маҳсулот номи | Ул.б | Миқдори | Нарҳи (ҚҚС билан) | Суммаси (ҚҚС билан) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Принтер Canon (МФУ лазерное, ч/б, А4 Тип устройства МФУ / Тип печати лазерный / Цветность печати черно-белая / Максимальный формат А4 / Количество страниц в месяц 10000 / Область применения малый офис / Размещение настольный / Функции сканера/копира сканирование, копирование / Принтер Максимальная ширина отпечатка 215.9 мм / Максимальная длина отпечатка 355.6 мм / Технология печати лазерная / Максимальное разрешение по X для ч/б печати 600 / Максимальное разрешение по Y для ч/б печати 600 / Скорость ч/б печати (А4) 22 стр/мин / Время разогрева 15 с / Время выхода первого отпечатка (ч/б) 6.5 с / Лотки Подача бумаги (стандартная) 150 шт. / Вывод бумаги (стандартный) 50 шт. / Расходные материалы Минимальная плотность бумаги 60 г/м² / Максимальная плотность бумаги 163 г/м² / Печать на различных носителях этикетки, карточки, конверты / Ресурс фотобарабана 12000 страниц / Ресурс ч/б картриджа/тонера 1600 страниц / Количество картриджей 1 / Тип картриджа/тонера 047 / Частота процессор) | дона | 2 | 3 495 000 | 6 990 000 |
| 2 | Ноутбук Lenovo (Core i3/ DDR4 4GB/ HDD 1000GB/ 15.6 FHD LCD/ UHD Graphics/ No DVD/ DOS/ RU) Business Black (81WB0100UE) | дона | 1 | 4 460 000 | 4 460 000 |
| 3 | Моноблок HP (800 G8 (core i3/ DDR4 4GB/ SSD 512GB/ 23.8 FHD/ UHD Graphics/ клавиатура и мышь / RU) Silver белая зборка Подробные характеристики Технические характеристики материнской платы Процессор: core i3 Оперативная память: DDR4 4GB Жесткий диск: SSD 512GB Видеокарта: UHD Graphics Экран: 23.8 FHD Комплектация: беспроводной клавиатура и мышь) | дона | 15 | 7 190 000 | 107 850 000 |
| 4 | Принтер Canon (Интерфейсы: USB 2.0 Дополнительная информация Вес:5.7 кг Особенности:Режим экономии тонера. Используется тонер №703. Габариты (ШхВхГ):370x217x251 мм Уровень шума при работе:48 дБ Поддержка ОС:Windows Потребляемая мощность (при работе):259 Вт Потребляемая мощность (в режиме ожидания):2 Вт Минимальные системные требования:Intel Pentium + 32 Mb RAM Общие характеристики Область применения:малый офис Размещение:настольный Устройство:принтер Тип печати:черно-белая Технология печати:лазерная Принтер Максимальный формат:А4 Скорость печати:12 стр/мин (ч/б А4) Время выхода первого отпечатка:9.30 с (ч/б) Максимальное разрешение для ч/б печати:600x600 dpi Лотки Подача бумаги:150 лист. (стандартная) Вывод бумаги:100 лист. (стандартный) Емкость лотка ручной подачи:1 лист. Расходные материалы Плотность бумаги:60-163 г/м2 Печать на::пленках, этикетках, глянцевой бумаге, конвертах, матовой бумаге Ресурс ч/б картриджа/тонера: 2000 страниц) | дона | 5 | 2 495 000 | 12 475 000 |
| | **Жами** | | | | **131 775 000** |

**2. Ҳисоб-китоб шартлари.**

2.1. Олинган маҳсулотлари учун келишилган нарҳда ҳисоб-китоб қилинади.

2.2. «Сотувчи» маҳсулотни етказиб бергандан сўнг, ўзаро солиштирув далолатномаларига асосан, етказиб берилган маҳсулот қиймати учун «Ҳаридор» га пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади. "Ҳаридор" олдиндан 30% тўловини амалга оширади,хамда "Сотувчи" шартномада курсатилган махсулотларини тўликетказиб бергандан сунг, "Харидор" махсулотларини текшириб тулик кабул килгандан сунг 10-кун ичида тулик хисоб-китоб амалга оширилади.

2.3.Маҳсулотлар учун нарх ўзаро келишилган холда белгиланади. Бунда ўша кунга худуддаги ўртача бозор нархлари, консалтинг фирмалар ҳулосалари асосида тақдим этилган нархлар асос қилиб олинади. Агар Давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлари натижасида етказиб берилган маҳсулотларига белгиланган нархлар юқори деб топилса, Ушбу фарқ «Сотувчи» зиммасидан қопланади.

**3. Маҳсулот етказиб бериш.**

3.1. «Сотувчи» шартномада белгиланган маҳсулотларни иловадаги тақсимотномага асосан бюджет муассасаларининг манзилгохларига белгиланган муддатларда етказиб беради

**4. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.**

4.1. «Сотувчи» «Ҳаридор» томонидан юборилган вакил, муассаса рахбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган, хамда юмалоқ мухр босилган ишонч қоғози кўрсатгандан сўнг маҳсулот беради.

4.2. «Сотувчи» маҳсулотни сифатини тасдиқловчи хужжат (мувофиқлик сертификати ва хоказолар) ларга асосан маҳсулотни жойларга етказиб беришга кафолат беради.

4.3. «Сотувчи» хужжатлар тўғрирасмийлаштирилишини ўз зиммасига олади хамда маҳсулотларни сектор қошида белгиланган таркибдаги тузилган сифат комиссияси далолатномаси ва эхтиёж тақсимотига асосан Ҳаридор манзилгохига етказиб беради.

4.4. «Ҳаридор» шартномада кўрсатилган маҳсулотни сифати талабга жавоб берган холатдагина уни қабул қилиб олади.

4.5. «Ҳаридор» қабул қилиб олган маҳсулотни шартнома талабларига номувофиқлигини аниқлаган холда, «Сотувчи» гаёзма далолатнома (АКТ) юборади, хамда сифатсиз деб топилган маҳсулотни "Сотувчи" га қайтариб беради.

4.6. «Сотувчи» «Ҳаридор» га унинг ишонч қоғозида қайд қилинган маҳсулотлар беради. Агар «Сотувчи» томонидан «Ҳаридор» нинг ишонч қоғозида кўрсатилмаган маҳсулотларни, ёки маҳсулотларни ишонч қоғозида белгиланган миқдоридан ортиқ берган холларда, бумаҳсулотлар учун "Ҳаридор" томонидан хақ тўланмайди.

4.7. «Сотувчи» томонидан «Ҳаридор» га сифатсиз ёки сертификатсиз маҳсулотлар етказиб берилса, бу маҳсулотлар «Сотувчи» га қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун хақ тўланмайди.

4.8. «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини хисоб-варақларда тўлик ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ расмийлаштириши шарт. Тўлиқ расмийлаштирилмаган хамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган хисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

5. Жарималар қўлланилиши.

5.1. Агар «Сотувчи» томонидан «Ҳаридор» га сифатсиз, ёки сақлаш муддатлари ўтиб кетган маҳсулотларни етказиб келган ҳолда «Ҳаридор» «Сотувчи» дан бундай маҳсулотларнинг умумий қийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50 % дан ошмаган холда жарима қўллаб қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Ҳаридор» га белгиланган маҳсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келмаса, «Сотувчи» муддати ўтган маҳсулотларни умумий қийматини 0,5% хар бир муддати ўтган куни учун «Ҳаридор» га жарима тўлайди.

5.3. Жарималар тўланиши «Сотувчи» ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажарищдан озод этмайди.

**6. Шартнома муддати.**

6.1. Шартнома ҳар иккала томон имзолагандан ва Ғазначилик бўлинмаси томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

6.2. Шартномадаги белгиланган маҳсулотларни етказиб бериш муддати шартнома имзолангандан сўнг 30 кун

6.3 Шартномадаги белгиланган маҳсулотларни етказиб берилгандан сўнг етказиб берилган маҳсулотларнинг тўловини амалга ошириш муддати 2022 йил 31 декабргача.

6.4. Шартнома томонлар келишувига асосан, «Сотувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулот «Ҳаридор» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «Сотувчи» томонидан мазкур шарнтноманинг 4.1; 4.2; 4.3-бандлари бажарилмаганда шартнома «Ҳаридор» томонидан бир томонлама бекор қилиши мумкин. Бекор қилинганлиги тўғрисида "Ҳаридор" "Сотувчи"га ёзма равишда асосларни келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

**7. Форс-мажор ҳолатлари.**

7.1. Шартнома бўйича тарафлар ўртасида пайдо бўладиган барча низолар келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан, ҳал қилиб бўлмаса Иқтисодий судлар орқали ҳал этилади.

7.2. Табиий офатлар, уруш ва оммавий тартибсизликлар сабабли шартнома шартлари бажарилмаса томонлар мулкий жавобгарликдан озод этилади.

**8. Қўшимча шартлар.**

8.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинади. Ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосанИқтисодий суддар орқали ҳал қилинади.

8.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб, томонларда бир нусхадан сақланади.

8.3. Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томон келишилган ва шартномага қўшимча битим имзоланган ҳолда қонуний деб хисобланади.

| «СОТУВЧИ» | «ХАРИДОР» |
|---|---|
| Сотувчи: «Аброрбек Мебеллари» ХК | Харидор: |
| Манзили: Чорток т. А. Навоий МФЙ | Манзили: |
| Тел: , Факс 97-143-00-08 | Тел: |
| Ҳисоб рақам: 20208000900685339001 | х-в: |
| СТИР: 304389762 | СТИР: |
| Банк: , "ANOR BANK" аж МФО:01183 | Хисоб варақ |
| СТИР: , ОКЭД:<br>РКП НДС: | |
| | МФО 0001 |
| | Миллий Банк Тошкент |
| | Шамсиев Ш. А. |
| Раҳбар А. Ғайбуллаев . | Молия Вазирлиги Ғазначилиги |

SAMARQAND DAVLAT TIBBIYOT UNIVERSITETI
IXTISOSLASHGAN BOLALAR
XIRURGIK KLINIKASI
Samarqand sh,M.Ulug'bek ko'chasi-70 «A»uy
ShHV:400310860184017073101054004
«Markaziy bank» Toshkent shahar XKKM
MFO:00014;INN:201213693;OKED:91511

ABRORBEK MEBELLARI

Хукукшунос
Лицензия: SA № - 000356
берилган санаси: 2011.04.02.
А.Раббимов ______

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

# GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

**"ABRORBEK MEBELLARI" XUSUSIY KORXONA**

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

**"ABRORBEK MEBELLARI" XK**

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

**304 389 762**

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

## Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

**25.10.2016**

Sana

**176**

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

**XUSUSIY KORXONA**

Faoliyat yuritadigan manzil:

**NAMANGAN VILOYATI, CHORTOQ TUMANI, CHORTOQ, ISTIQLOL**

Tomonidan berilgan:

**CHORTOQ TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI**

171724

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Самарканд Давлат Тиббиёт
Университети ихтисослашган
DEVONXONA клиникаси
__________Ж.А.Шамсиев

Самарканд Давлат Тиббиёт Университети ихтисослашган болалар хирургик клиникасига компьютер ва орг техника харид килиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши

**БАЁНИ**

Самарканд шаҳри «_26__»___10____2022 й.

Раислик қилувчи А.М.Исаков

Иштирок этган комиссия аъзолари:

| | |
|---|---|
| Н.А.Дустова | Комиссия аъзоси, Бош хисобчи |
| Ж.Н.Салимов | Комиссия аъзоси, |
| З.М.Давронова | Комиссия аъзоси, |
| Х.А.Ахмедов | Комиссия аъзоси, |
| Ш.А.Ашуров | Котиб, |

**КУН ТАРТИБИ:**

Замонавий компьютер техникалари билан жихозлаш ва мехнат самарадорлигини ошириш максадида харид килиш бўйича.

---

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСТИТЕТИ ИХТИСОСЛАШГАН БОЛАЛАР ХИРУРГИК КЛИНИКАСИ хузуридаги ТЕНДЕР комиссияси томонидан 2022-йил 12-октябрда Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржасининг электрон порталига компьютер ва орг техника харид килиш бўйича №161301 -лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 21-октябрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган "компьютер техникаларини харид килиш " баённомасига асосан 21-октябр камиссия аъзолари йиғилищди:

**1.Тендерда иштирок этган корхоналар руйхати:**

**1.СП BAXTLI OILA MEBELLARI**
**2.ABRORBEK MEBELLARI X/K**
**3.QUALITI DEVICE BUSSINES MCHJ**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш ва мақул корхонани танлаш.

2.Корхонани танлаб олишдан мақсад харид қилиш тартиб тамойиллари иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш мақсадида ҳолис ва асосли мезонлар

асосида энг мақбул таклиф фойдасига якуний қарор қабул қилишда беғаразлик ва шаффофлик механизмларидан фойдаланиш.

3.Комиссия вазифалари кўрсатиб ўтилган бўлиб унга кўра:

комиссия харид қилиш хужжатларини келишиш, таклиф қилиш муддатлари, таклифларни очиш тартиб тамоййилари, таклифларни баҳолаш мезонлари ва усулларини, зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини белгилаши ҳамда қонунчиликда белгиланган бошқа вазифаларни бажариши белгиланди.

4.Комиссия аъзоларининг хулосаси :

Комиссия аъзолари хамма катнашган корхоналарни иктисодий салохиятини ,устав капиталлари, бошка бюджет ташкилотларида бажарган ишлари,худудийлиги хамма критерийлари буйича хулоса килинди:

1.СП BAXTLI OILA MEBELLARI

2.ABRORBEK MEBELLARI X/K

3.QUALITI DEVICE BUSSINES MCHJ

Корхоналарнинг улушлар нисбати урганилганда *СП BAXTLI OILA MEBELLARI* корхона таъсисчилари ичида аффилланганликни олдини олиш учун,яъни Узбекистон Республикаси Давлат харидлари тугрисидаги Конунининг 42-моддасида иштирокчи ракобатга карши харакатларни содир этса ёки конунчиликни бузган холда манфаатлар тукнашувини келтириб чикарса ,шунингдек аффилланганлик холлари аникланса харид камиссияси ёки давлат харидлари электрон тизимининг оператори иштирокчини харид килиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатищи кераклиги кайд этилган.
Камиссия аъзолари Давлат харидлари тугрисидаги Конунининг 42- моддасига асосланиб СП BAXTLI OILA MEBELLARI корхонасини тендерда иштирок этишдан четлаштиришга карор кабул килди.
Камиссия аъзолари хамма узига тегишди компьютеридан ва электрон калити билан макуллади.
96,5 балл билан голиб деб топилган ABRORBEK MEBELLARI X/K умумий урганилганда Биз тендерга куйган моноблок HP CORE I3 . DDR 4, 500 GB SSD , H 61 PLATA .C 20 COMBO симсиз клаватура , сичкончаси бир дона тупламида ва LENOVO ноутбуги бир дона уларнинг омборхонасида борлиги,компьютерларни нархи бошка корхоналардан кура арзонлиги,иш фаолиятига узок йиллар булганлиги ,устав фонди бошка корхоналарникидан анча фаркли ва иктисодий фаоллиги учун голиб деб топилди

**Комиссия аъзолари**

| | |
|---|---|
| А.М.Исаков | Раислик қилувчи |
| Н.А.Дустова | Комиссия аъзоси, Бош хисобчи |
| Ж.Н.Салимов | Комиссия аъзоси, |
| З.М.Давронова | Комиссия аъзоси, |
| Х.А.Ахмедов | Комиссия аъзоси, |
| Ш.А.Ашуров | Котиб, |